

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВ ХАМИДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИ АВЛОД КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛИ КЎПИКБЕТОН  
СТРУКТУРАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.09.05–Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Маматов Хамидулла Абдуллаевич**

Янги авлод комплекс қўшимчали кўпикбетон структураси ва технологияси .5

**Маматов Хамидулла Абдуллаевич**

Структури и технология пенобетоны с комплексными добавками нового поколения.....24

**Mamatov Khamidulla Abdullaevich**

Structures and technology of new generation foam concrete with complex additives.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВ ХАМИДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИ АВЛОД КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛИ КЎПИКБЕТОН  
СТРУКТУРАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.09.05–Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022 йил**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1366 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Самигов Нигматжан Абдурахимович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ходжаев Саидагло Аглоевич техника фанлари доктори, профессор Сатторов Зафар Муродович техника фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.1 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 15 март соат 10<sup>00</sup> да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi.atm@edu.uz](mailto:taqi.atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида таниши мумкин (№ 74-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871)235-43-30; факс: (+99871)234-15-11, e-mail: [taqi.atm@edu.uz](mailto:taqi.atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил 28 февраль куни тарқатилди.  
(2021 йил "28" декабр-11-рақамли реестр баённомаси).



**Х.А. Акрамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.Т. Хотамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Б.А. Асқаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда энергия ресурсларининг камайиб бориши бинолар қурилишида энергия самарадорликни кескин оширишни тақозо этади. XX–асрда кечган энергия кризиси қурилиш саноатида ёқилғи нархларнинг кўтарилишини, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда ресурс ва энергия тежамкор технологияларни яратиш ва амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Бу борада, қурилиш материаллари соҳасида, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллаш, янги қурилиш материаллари ва уларнинг мавжуд технологиясини такомиллаштириш ҳамда кўпикбетонларнинг қурилиш-техник ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мақсадида кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиш, цемент гидратациясини интенсивлаш ва бетоннинг дастлабки мустаҳкамлигини тезлаштириш ҳамда юқори мустаҳкамликка эришишини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда охириги йилларда ашёшунос олимлар ва қурувчиларнинг серғовак бетон технологиясига асосланган кўпикбетонларга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Кўпикбетонларни хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Жумладан, юқори сифатли кўпикбетонларни ишлаб чиқариш учун тўлдиргичларни танлаш, кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиб қотаётган цемент тошида структура ҳосил бўлишини бошқариш, кўпикбетонларнинг таркибини оптималлаштириш ҳамда мустаҳкам структурасини шакллантиришга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бинобарин, кўпикбетонларнинг физик-техник хоссаларини тадқиқ этиш, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом-ашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб минерал боғловчи сарфини камайтириш, энергия тежаш имконини берувчи технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда қурилиш индустриясини ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллий ва иккиламчи хом-ашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ва шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва материал сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг тадбиқ қилиш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда маҳаллий хом-ашёлар асосидаги полимер-минераллардан ишлаб чиқилган комплекс кимёвий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда сифатли кўпикбетон конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги ПФ-5445-сонли “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 23 майдаги ПП-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон амалиётида кўпикбетонларини модификациялаш учун кимёвий қўшимчалардан фойдаланишнинг илмий асослари кўплаб чет эл давлатлари олимлари - Ю.А. Саввина, В.Ф. Черных, В.И. Ницун, А.П. Морозов, Л.Д. Шахова, И.М. Баранов, Е.Г. Величко, А.И. Кудяков, Э.А. Половова, В.В. Балясников, В.Н. Моргун, П.А. Ребиндер, В.И. Федоров, Э.Ш. Хакимова, С.А. Гусенков, О.Ф. Суворов, А.С. Коломацкий, Ю.М.Баженов, И.Б. Удачкин, Я.М. Паплавская, Л.Н. Попов, В.Н. Тарасенко, Д.В. Твердохлебов ва бошқаларнинг илмий асарларида шуғуланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Республикада қурилиш материаллари соҳасидаги етакчи олимлари - А.Т. Джалилов, А.Б. Ашрабов, Э.У. Қосимов, Н.А. Самигов, А.А. Тўлаганов, А.И. Адилхўжаев, Б.А. Асқаров, Х.А. Акрамов, А.А. Тохиров, С.А. Ходжаев, Н. Аббасхонов, Х.Х. Комилов, М.У. Каримов, З.М. Сатторов ва бошқалар узок йиллар давомида кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб, бетонларнинг структураси ва хоссаларини яхшилаш масалаларини ўрганишда салмоқли ҳисса қўшдилар ва маълум ютуқлар ҳамда муҳим илмий натижаларга эришдилар.

Улар томонидан ўтказилган тадқиқотлар таҳлили маҳаллий хом-ашёлар асосидаги комплекс кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш орқали кўпик бетон хоссаларини оптималлаштириш, кўпикбетондан тайёрланган блоklarга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга қаратилган масалалар етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этаётганлигини кўрсатди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ОТ-Атех-2018-63 “Маҳаллий хом-ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи янги авлод полимер-минерал комплекс қўшимчали энергия ва ресурс тежамкор иссиқлик изоляцияси материаллари енгил ва ячейкали бетонлар технологиясини яратиш ва тадқиқ этиш” (2018-2020 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хом-ашёлар асосидаги комплекс полимер-минерал қўшимчалар билан модификацияланган кўпикбетоннинг хоссаларини ўрганиш ва энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кимёвий қўшимчалар қўшилган кўпикбетон таркибини оптималлаштириш;

комплекс кимёвий қўшимчалари билан модификацияланган кўпикбетон таркибини физик-кимёвий таҳлил қилиш;

комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган кўпикбетоннинг физик-механик ва иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларини ўрганиш;

комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган кўпикбетон технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий хом-ашёлар асосидаги комплекс полимер-минерал қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган кўпикбетонлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида маҳаллий хом-ашёлар асосидаги янги авлод комплекс полимер-минерал қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган кўпикбетоннинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иктисодий параметрлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқотларда кўпикбетонларнинг хоссалари ва сифат кўрсаткичларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усуллари билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлилниң замонавий усуллари инфрақизил-спектроскопик, электрон микроскопик ва дифференциал-термик таҳлиллари, тажриба натижаларини таҳлил қилишнинг статистик математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги:**

-кўпик ҳосил қилувчи ва КДж-ЗЦМБ комплекс кимёвий қўшимчасининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда модификацияланган кўпикбетонда структура ҳосил бўлиш механизми асосланган;

-комплекс қўшимча ва алюмосиликат микросфера миқдорига нисбатан модификацияланган кўпикбетоннинг хоссаларига таъсир этиш механизми аниқланган;

-модификацияланган кўпикбетон таркибидаги минерал боғловчи, майда тўлдиргич ва кўпик ҳосил қилувчи миқдорини ўзгариши орқали қотган бетоннинг ўртача зичлиги ва мустаҳкамлиги бошқариш мумкинлигини ифодаловчи математик регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

-фойдаланиладиган комплекс қўшимча, фаол минерал қўшимча ва минерал тўлдиргичдан фойдаланиш ҳисобига модификацияланган

кўпикбетон ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

комплекс кимёвий кўшимчалари кўшилган кўпикбетонларнинг энергия ва ресурс тежамкор самарали таркиблари ишлаб чиқилган;

комплекс кимёвий кўшимчалар кўшилган кўпикбетонларнинг янги технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий асбоблар ва стандарт усулларни қўлланилган ҳолда комплекс ўрганилиши, тажрибаларни қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича ўтказилиши, ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини юқори аниқликда мос келиши ҳамда уларни амалиётга жорий қилинганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти КДж-3ЦМБ комплекс кўшимчалар асосидаги кўпикбетон бўйича илмий назариялар, уларнинг таркиби, физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил қилишдан иборатдир.

Ишнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчалар билан модификацияланган кўпикбетоннинг энергия ва ресурс тежамкор самарали таркиблари ва технологияси ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги авлод комплекс кўшимчалар кўшилган кўпикбетоннинг таркибларини лойиҳалаш ва хоссаларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчаси билан модификация қилинган кўпикбетон таркиблари деворбоп блоклар, ишлаб чиқариш учун Наманган шаҳридаги “NAMANGAN TEMIR BETON ZAVODI” МЧЖ заводида жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 01 ноябрдаги 05/15-2717-сонли маълумотномаси). Натижада кўпикбетон қоришмасининг сувга талабчанлигини 15-20% камайтириш имконини берган;

КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчаси билан модификация қилинган кўпикбетон таркиблари тўсувчи деворлар учун ариқча-тарокли блоклар ишлаб чиқариш учун Наманган шаҳридаги “NAMANGAN TEMIR BETON ZAVODI” МЧЖ заводида жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 01 ноябрдаги 05/15-2717-сонли маълумотномаси). Натижада кўпикбетон қоришмасининг цемент сарфини 15-25% га камайтириш имконини берган;

КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчаси билан модификация қилинган кўпикбетон таркиблари деворбоп блоклар, тўсувчи деворлар учун ариқча-тарокли деворбоп блоклар ишлаб чиқариш учун Наманган шаҳридаги “NAMANGAN TEMIR BETON ZAVODI” МЧЖ заводида жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 01 ноябрдаги 05/15-2717-сонли маълумотномаси). Натижада кўпикбетон қоришмасининг сувга талабчанлигини 15-20% ва цемент сарфини 15-25% га камайтириш имконини берган.



**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 10 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан, 1 та хорижий журналларида нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 5 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертация таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги таъкидланган. Тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**Диссертациядаги “Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва масалани қўйилиши”** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатини аналитик шарҳлари келтирилган. Унда энергия тежамкор енгил бетонларни олиш усуллари, кимёвий қўшимчалар қўшилган бетоннинг нархи ва материаллар сарфини камайтириш, уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш бўйича Республикамиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий ишларнинг натижалари чоп этилган адабий манбааларни таҳлили ёритилган.

**Диссертациянинг “Қўлланиладиган материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишида фойдаланилган цемент, тўлдирувчилар, кимёвий қўшимчаларнинг тавсифлари ҳамда қўлланилган экспериментал тадқиқотларнинг усуллари келтирилган. Тадқиқотларда “Кувасойцемент” АЖ да ишлаб чиқарилган, ГОСТ 31108-2020 талабларига жавоб берувчи ПЦ400 Д20 маркали портландцементдан, тўлдирувчи сифатида Фарғона вилояти, Ёзёвон туманида жойлашган карьердан қазиб олинаётган, қурилиш қоришмалари учун яроқли кумдан ҳамда “Янги Ангрен” иссиқлик электр станцияси учувчан кул чиқиндиси ва ундан ажратиб олинган алюмосиликат микросфераларидан фойдаланилди. Тадқиқотларда “Ўзкимёсаноат” ДАК Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институтида акад. А.Т. Джалилов,

к.ф.д. М.У. Каримовлар томонидан синтезлаштирилган, ГОСТ 30459-2008 талабларига жавоб берувчи КДж-3ЦМБ, КДж-3, КДж-3Ц ва КДж-3М комплекс кимёвий қўшимчалар қўлланилди.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқот методлари асосланган ҳолда танланди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган физик-кимёвий методлар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил методларидан, хусусан, кўпикбетонларнинг структурасини ўрганишда ИҚ- спектроскопик, рентген фаза таҳлиллари, дифференциал термик таҳлиллар ва электрон-микроскопик таҳлилдан фойдаланилди. Бундан ташқари, тадқиқот ишларида кўпикбетон таркибларини мақбуллаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик методидан ҳам фойдаланилди.

**Диссертациянинг учинчи “Комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган кўпикбетоннинг таркиби ва хусусиятлари”** бобида комплекс кимёвий қўшимчалар билан кўпикбетон таркибини модификациялашнинг илмий асослари, самарадорлигини оширишнинг назарий тамойиллари, кўпик ва унинг хусусиятлари, цементнинг реологик хоссаларига комплекс кимёвий қўшимчаларни таъсири бўйича бажарилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари ва кўпикбетон таркибини танлаш, таркибини математик усулда оптималлаштир келтирилган.

Маълумки, суперпластикаторлар цемент системаларининг сувга бўлган талабчанлигини камайтириши ҳамда бетон қоришмасининг мустаҳкамлигини ошириши керак. Комплекс кимёвий қўшимчаларни портландцемент ва у асосда тайёрланган кўпикбетоннинг сувга талабчанлиги ва қотиш кинетикасига таъсирини ўрганиш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Кўпик-цемент композицияларининг мустаҳкамлиги пластификаторларни қўлланилиши билан сувга талабчанлигини камайиши ҳисобига ортиши керак. Аммо бу усул, агар уларнинг қўлланилиши кўпикнинг бузилишига олиб келмаса, ижобий натижалар беради. Шунинг учун, КДж-3ЦМБ, КДж-3, КДж-3Ц ва КДж-3М комплекс кимёвий қўшимчаларни ПБ-2000 кўпиклаштирувчи воситанинг кўпиклашиш даражасига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Комплекс кимёвий қўшимчаларни ПБ-2000 кўпиклантирувчи воситасининг кўпиклашиш даражасига таъсири

Кўшимчасиз	Комплекс кимёвий қўшимчани тури ва миқдори, %											
	КДж-3ЦМБ			КДж-3			КДж-3Ц			КДж-3М		
	Кўпиклашиш даражаси (марта)											
	8	10	12	0,6	0,9	1,2	0,6	0,9	1,2	0,6	0,9	1,2
9	11	12	13	9	10	10	6	7	7	8	9	9

1-жадвалдаги маълумотлар кимёвий қўшимчалар ПБ-2000 кўпик ҳосил қилувчи воситанинг кўпиклашиш даражасига ижобий таъсир кўрсатишини, ва КДж-3ЦМБ кўшимчаси КДж-3 КДж-3Ц, КДж-3М га нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлиги ва КДж-3Ц, КДж-3М

қўшимчалари эса қўшимчасиз кўпикка нисбатан паст эканлигини кўришимиз мумкин.

КДж-3, КДж-3ЦМБ, КДж-3Ц ва КДж-3М маркадаги комплекс кимёвий қўшимчаларни “Қувасойцемент” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган портландцементнинг сувга талабчанлигига таъсири текширилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда берилган. КДж-3ЦМБ қўшимчаси 4% гача қўшилганда цемент хамирининг нормал қуйиқлиги ўзгармади. Шу сабабдан, унинг 15% миқдордаги сувга талабчанлиги ўрганилди.

2-жадвал

Комплекс кимёвий қўшимчаларни цементнинг сув талабчанлигига таъсири

Қўшимча маркаси	Қўшимчани миқдори, цемент массасига нисбатан % да					
	Цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиши, %					
	4	6	8	10	12	15
КДж-3ЦМБ	10,0	18,5	25,0	28,5	30,0	31,0
КДж-3	Қўшимчани миқдори, цемент массасига нисбатан % да					
	Цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиши, %					
	0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
	5,0	12,5	21,3	25,1	26,9	28,7
КДж-3Ц	Қўшимчани миқдори, цемент массасига нисбатан % да					
	Цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиши, %					
	0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
	4,5	12	20,5	24	25,6	27,2
КДж-3М	Қўшимчани миқдори, цемент массасига нисбатан % да					
	Цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиши, %					
	0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
	4,7	12,3	20,4	24,1	25,5	27,4

2-жадвалда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, кимёвий қўшимчалар ҳам цемент хамирининг сувга талабчанлигини камайиштиришга имкон беради. Бунда КДж-3ЦМБ нинг таъсири КДж-3, КДж-3Ц, КДж-3М қўшимчаларидан бирмунча юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга, КДж-3ЦМБ нинг кимёвий қўшимчалар миқдорининг 10% дан ошиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиб, конструкцияни таннархини ошишига олиб келиши мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, цемент таркибига комплекс кимёвий қўшимчаларни қўшилиши цемент хамирининг пластиклигини оширади ва сувга бўлган талабчанлигини камайтиради, қотишнинг бошланиш вақтини қисқартиради тугаш вақтини эса узайтиради. Булар комплекс кимёвий қўшимчаларнинг муҳим хусусиятлари бўлиб, кўпикбетон ишлаб чиқаришда цемент сарфини камайитиришга, маҳсулот сифатини оширишга имкон беради.

Комплекс кимёвий кўшимчаларни цемент хаамири қотишининг  
муддатларига таъсири

Кўшим- ча маркаси	Цементнинг куюқланиш муддати	Кўшимчани миқдори, цемент массасига нисбатан %да					
		4	6	8	10	12	15
КДж-3 ЦМБ	Қотиш бошланиши (соат, мин.)	2,20	1,30	0,75	0,52	0,45	0,35
	Қотиш тугаши (соат, мин.)	4,15	4,20	4,25	5,15	5,30	5,40
		Кўшимчани миқдори %да					
		0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
КДж-3	Қотиш бошланиши (соат, мин.)	2,20	2,00	1,55	1,10	0,55	0,45
	Қотиш тугаши (соат, мин.)	4,15	4,20	4,25	4,55	5,10	5,20
		Кўшимчани миқдори %да					
		0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
КДж-3Ц	Қотиш бошланиши (соат, мин.)	0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
	Қотиш тугаши (соат, мин.)	2,20	2,05	1,5	1,15	1	0,55
		4,15	4,20	4,30	4,50	5,05	5,10
		Кўшимчани миқдори %да					
		0,2	0,3	0,6	0,9	1,2	1,5
КДж-3М	Қотиш бошланиши (соат, мин.)	2,20	2,10	2	1,20	1,05	1
	Қотиш тугаши (соат, мин.)	4,05	4,15	4,20	4,45	5	5,15

Математик модел иккинчи даражали уч факторли ортогонал план шаклида қабул қилинди. Оптималлаштириш параметрларини натижаси сифатида Д600 маркадаги кўпикбетон олишда сарфланалиган материаллар миқдори қабул қилинди.

Кўпикбетон тайёрлашнинг асосий технологик факторлари сифатида 1 м<sup>3</sup> кўпикбетонга ишлатиладиган цемент, қум ва кўпиклаштирувчи агент (ПБ 2000) миқдорлари олинди. Ҳар бир компонент учун ўзгартириш даражаси келтирилган.

**Компонентларни ўзгариш чегаралари**

Омиллар	Ўзгариш чегаралари			Ўзгартириш интервали
	+1	0	-1	
Цемент миқдори, кг $X_1$	390	360	330	30
Қум миқдори, кг $X_2$	250	175	100	75
Кўпик ҳосил қилувчи агент миқдори, кг $X_3$	1,3	1,1	0,9	0,2

Ўртача зичлиги бўйича қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

$$Y_{p0}=602,30+30,10X_1+75,0X_2+8,1X_1X_2-0,65X_1^2-0,15X_2^2-4,05 X_3^2$$

Мустақамлиги бўйича қуйидаги кўринишдаги регрессия тенгламалари олинди:

$$R_c=2,225+0,168X_1+0,340X_2+0,040X_3+0,013X_1X_2+0,07X_1^2+0,067X_2^2-0,033X_3^2$$

Таҳлил барча факторлар бўйича амалга оширилди: цемент, қум ва кўпиклаштирувчи агент миқдор. Бунинг учун  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_3$  ларни (1;0;-1) га тенг деб оламиз ва икки факторли регрессия тенгламасини ҳосил қиламиз:

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижаси Д600 маркадаги кўпикбетонни 330 кг портландцемент, 175 кг қум ва 1,1 кг кўпиклаштирувчи агентдан ташкил топган кўпикбетон қоришмасидан олиниши мумкинлигини кўрсатди.

**Диссертациянинг тўртинчи “Комплекс кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган кўпик бетоннинг физик-механик хусусиятлари ва микроструктураси”** бобида комплекс кимёвий қўшимча КДж-3ЦМБ билан модификацияланган кўпикбетоннинг физик-кимёвий таҳлиллари, кўпикбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги, кўпикбетоннинг ғовак структурасига комплекс кимёвий қўшимча таъбири, кўпикбетоннинг иссиқлик ўтказувчанлигига комплекс кимёвий қўшимча КДж-3ЦМБ ни таъсири, кўпикбетоннинг совуққа чидамлилик таъсирини аниқлаш бўйича бажарилган экспериментал-тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

5-жадвал

Кўпикбетоннинг физик-механик хоссаларига алюмосиликат микросфераларни таъсири

АСМ миқдори, %	Сувга талабчанликни камайиши, %	Ўртача зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	Сиқилишдаги мустақамлиги МПа/%				
			Қотиш муддати, кун				
			1	3	7	14	28
0	0	610	$\frac{0.42}{100}$	$\frac{0.85}{100}$	$\frac{1.55}{100}$	$\frac{2}{100}$	$\frac{2.3}{100}$
1	-5	580	$\frac{0.44}{105}$	$\frac{0.9}{106}$	$\frac{1.65}{106}$	$\frac{2.1}{105}$	$\frac{2.4}{104}$
2	-7	<u>570</u>	$\frac{0.46}{110}$	$\frac{0.95}{112}$	$\frac{1.75}{112}$	$\frac{2.2}{110}$	$\frac{2.5}{109}$
3	-10	<u>560</u>	$\frac{0.45}{107}$	$\frac{0.92}{108}$	$\frac{1.7}{109}$	$\frac{2.15}{108}$	$\frac{2.48}{108}$

Жадвалда келтирилган маълумотлардан, кўпикбетон таркибига АСМларни киритиш натижасида кўпикбетон қоришмасининг сувга талабчанлигини 10% гача, ўртача зичлиги эса 50кг га камайганини кўриш мумкин. Буни қум ва АСМ доналарининг шакли ҳамда сирт тузилишлари орасидаги фарқ орқали изоҳланади. Оддий қум нотўғри кўп қиррали доналардан иборат бўлиб, улар бетон қоришмада бир-бирига ишқаланиши ва ҳаракатланиши қийинлашади. Уларни қоришмада эркин ҳаракатланиши учун қўшимча суюқлик цемент хаамири талаб қилинади. АСМ доналари эса сирти силлиқ, юмалоқ сферик шаклда бўлганлиги сабабли кўпик билан биргаликда

коришмани пластиклигини оширади. Бу эса ўз навбатида кўшимча цемент талаб қилмаган ҳолда кўпикбетонни мустаҳкамлигини оширишга имкон яратади, АСМ доналарининг оддий қумга нисбатан енгиллиги туфайли кўпикбетоннинг ўртача зичлиги камаяди.

6-жадвал


#### Кўпикбетонларни таркиби

КДж-3ЦМБ, %	Хом-ашё материаллари				
	Цемент, кг	Қум, кг	Сув, л	ПБ- 2000, кг	АСМ, %
0	330	175	115	1,1	2
4	330	175	107	1,1	2
6	330	175	102	1,1	2
8	330	175	95	1,1	2
10	330	175	92	1,1	2
12	330	175	89	1,1	2
15	330	175	86	1,1	2

Кўпикбетон коришмасига КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчани цемент массасининг 4% ва 15% гача миқдорда киритилиши натижасида кўпикбетоннинг ўртача зичлигини фақат 5-35 кг/м<sup>3</sup> дан 10-20 кг/м<sup>3</sup> гача камайиши ва сув талабчанлиги 25% гача камайганлиги кузатилди.

Кимёвий кўшимча миқдорининг 10% дан ошиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиб, конструкцияни таннархини ошишига олиб келиши мумкин.


КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий кўшимчани киритилиши билан кичик ўлчамдаги берк ғоваклар ҳосил бўлди. Олинган маълумотларга кўра, модификацияловчи кўшимчанинг киритилиши натижасида кўпикбетоннинг мустаҳкамлигини 1,4 баробар оширишга эришилди.



1-расм. Кўпикбетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси


Физик-кимёвий таҳлил усуллари комплекс кимёвий кўшимчалар таъсирида кўпикбетоннинг микроструктурасини ва унинг ўзгариш жараёнларини, масалан, гидратация, кристалланиш ва бошқаларни ўрганишга имкон беради. Кўпикбетонни тузилишини ўрганиш учун инфрақизил спектроскопия, рентген фаза таҳлиллари термогравиметрик таҳлил ва электрон микроскопия усулларидадан фойдаланилди.

Кўшимчасиз кўпикбетон термогравиметрик таҳлили 3-расмда келтирилган.



2-расм. Кўшимчасиз кўпикбетон термогравиметрик таҳлили  
 1-ҳарорат эгри чизиғи; 2-динамик термогравиметрик таҳлил эгри чизиғи (ДТГА); 3-динамик термогравиметрик таҳлил эгри чизиғи (ДТГП);  
 4- дифференциал термик таҳлил эгри чизиғи (ДТТ).

Кўшимчасиз кўпикбетон динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғида куйидаги эндоэффектлар кузатилган: 1 Масса йўқотилиши 100-200<sup>0</sup>С оралиғидаги эндоэффектлар 4.3% ни ташкил этади асосан гидратация жараёнига иштирок этмаган эркин сувнинг ажралишини кўрсатади. 2 Масса йўқотилиши 250-700 <sup>0</sup>С оралиғидаги эндоэффектлар 6.7% ни ташкил этади кимёвий боғланган сувнинг ажралишини кўрсатади. 3 Масса йўқотилиши 750-850<sup>0</sup>С оралиғидаги эндоэффектлар 12.95% ни ташкил этади асосан цемент гидратациясида ҳосил бўлган минералларнинг парчаланашини кўрсатади.




3-расм. Комплекс кимёвий кўшимча КДж-3ЦМБ 10 % миқдорда кўшилган кўпикбетон термогравиметрик таҳлили.


КДж-3ЦМБ 10% кўшимчаси кўшилган кўпикбетон динамик термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизик) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғида куйидаги эндоэффектлар кузатилган: 1 Масса йўқотилиши 100-200<sup>0</sup>С оралиғидаги эндоэффектлар 4.9% ни ташкил этади, асосан гидратация жараёнига иштирок этмаган эркин сувнинг ажралишини кўрсатади. 2 Масса йўқотилиши 250-750 <sup>0</sup>С оралиғидаги эндоэффектлар 9.6% ни ташкил этади кимёвий боғланган сувнинг ажралишини кўрсатади, 3 Масса йўқотилиши 800-900<sup>0</sup>С оралиғидаги

эндоэффектлар 14,18 % ни ташкил этади асосан цемент гидратациясида ҳосил бўлган минералларнинг парчаланашини кўрсатади.

### Электрон микроскоп (ЭМ) таҳлили



а) Қўшимчасиз кўпикбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари.




б) Комплекс кимёвий қўшимчаси КДж-3ЦМБ цемент массасига нисбатан 10% қўшилган кўпикбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари.

4 ва 5-расмлар. Кўпикбетон намунасини электрон микроскопик тасвирлари.


Игнасимон эттрингит кристаллари неоплазмаларнинг асосий гелсимон массасида кузатилиб, эркин бўшлиқларни тўлдиради. Эттрингитнинг ўсиши эркин ҳажмда ҳосил бўлади. Олинган комплекс қўшимча КДж-3ЦМБ қўшилган кўпикбетон намуналарининг электрон микрофотографларида гипс ва калций гидросулфоалюминати билан ҳам ғовақларни тўлдириши кузатилади. Бундан ташқари комплекс қўшимчалар қўшилганда гидросулфоалюминат миқдори устун бўлади. Калций гидросулфоалюминат концентрациясининг ошиши ва кўпикбетоннинг умумий тузилишида ҳам, фазовий скелетнинг нуқсонли жойларида ҳам, гидрат фазаларининг ўзига ҳос юзасининг ортиши материалнинг қотишига олиб келади. Қотишнинг дастлабки босқичларида портландцементли композициялар структурасини ихчамлаштириш ва мустаҳкамлаш комплекс қўшимчалар қўшилганда гипс ва калций гидросулфоалюминатнинг ҳам ҳажми ортиб кристалланади.

Комплекс кимёвий қўшимча КДж-3ЦМБ қўшилган кўпикбетоннинг ИҚ-спектр таҳлил қилишда қўшимчасиз ҳамда 8; 10 ва 12% комплекс кимёвий КДж-3ЦМБ қўшимчали намуналардан фойдаланилди. Синов натижаларида олинган спектрограммалар 6 ва 7-расмларда тасвирланган.





6-расм. Қўшимчасиз кўпикбетон ИҚ-спектри.



7-расм. Кўпикбетоннинг КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий қўшимчасининг 10% қўшилиши ИҚ-спектри.


ИҚ спектроскопияси натижасида ютилиш полосалари адсорбцияланган сувга (3390 см-1 ва 3410 см-1), карбонатларга (870 ва 1420 см-1) ва силикатларга (1000-1200 см-1) тўғри келишини кўриш мумкин. 1097-1101 см-1 диапазонидаги чизиқлар кремний-кислород рамкасининг Si-O тетраэдраларининг ассиметрик ва симметрик тебранишларига мос келади. 3394-3410 см-1 оралиғидаги кучли, чўзилган тасма эркин ва боғланган сувнинг ОН-чўзилиш ва эгилиш тебранишларини англатади.

Барча намуналарда карбонат борлиги 874 ва 1417 см-1 (C-O боғланишларининг тебранишлари) CO<sub>3</sub>-HCO<sub>3</sub>-гуруҳларининг калций гидроксиди Ca(OH) ҳосил бўлиши билан чўзилиши ва деформацияланиши билан боғлиқ ассимиляция диапазонлари билан тасдиқланади. 7-расмдаги эгри чизиқларни сув молекулалари ва гидроксид ионларининг частоталари билан таққослаганда 2160, 2029 ва 1967 см-1 худудларида чўзилган тебранишлар бетоннинг кучига мос келадиган минералларнинг функционал гуруҳларини (алит, Белит) ва КДж -3ЦМБ қўшимчалари концентрациясининг ошиши билан ортади. 960-974 см-1 оралиғида ўзгартирилган композицияда чизиқларнинг юқори кўрсаткичларга силжиши калций гидросиликатнинг полимерланиш даражасининг каттароқлигини кўрсатади, бу модификацияланган композициянинг юқори кучлилиги билан таққослаганда қўшимчалар таркиби 3000-4000 см-1

оралиғидаги чизикларнинг интенсивлиги цемент тошида Si-OH гуруҳлари мавжудлигини ва уларнинг модификацияланган таркибидаги юқори интенсивлиги ўзгартирилган цемент тошининг юқори сирт майдони билан тавсифланганлигини кўрсатади.

### Рентген-диффрактометр таҳлил

Комплекс кимёвий қўшимча КДж-3ЦМБ қўшилган кўпикбетоннинг рентгенографик миқдорий ва сифат таҳлили.



8-расм. а) қўшимчасиз; б) 10% ли КДж-3ЦМБ комплекс кимёвий қўшимча.

Кўпикбетон намуналарининг РДТ таҳлили натижасида (8-расм) ўрганилаётган намуналар таркибида қуйидаги минераллар мавжудлиги аниқланди:

кальций карбонат  $\text{CaCO}_3$  (38.60, 28.80, 25.00, 22.90, 22.10, 19.10, 18.80)  $10^{-2}$  нм,  
 кальций гидроксиди  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  (49.20, 31.10, 30.40, 26.30, 19.20, 18.00)  $10^{-2}$  нм,  
 кальций силикат  $\text{Ca}_2\text{SiO}_4$  – (27.80, 20.60, 19.80, 16.20)  $10^{-2}$  нм,  
 $\beta$ -кварц  $\text{SiO}_2$  (33.50, 42.70, 18.20, 13.70)  $10^{-2}$  нм,  
 $\text{C}_6\text{S}_6\text{H}$  (71.00, 36.00, 30.30; 20.33, 19.50)  $10^{-2}$  нм,  
 $\text{C}_3\text{AH}_6$  (22.30, 22.60, 33.60, 16.80)  $10^{-2}$  нм,  
 $\text{C}_2\text{SH}(\text{II})$  (30.40, 19.20, 17.90)  $10^{-2}$  нм,  
 $\text{CSH}(\text{I})$  (30.40, 18.10, 16.70, 27.90)  $10^{-2}$  нм.

Гидратация маҳсулотларининг миқдорий нисбати билвосита кальций гидроксидининг диффракцион таъсирини интенсивлиги ( $49,20 \cdot 10^{-2}$  нм) билан баҳоланиши мумкин. 8% миқдордаги КДж-3ЦМБ комплекс қўшимчаси билан модификацияланган кўпикбетон намуналарини назорат намуналарига нисбатан интенсивлиги юқорилиги цементнинг тўлиқ гидратацияланганини кўрсатади. КДж-3ЦМБнинг 10% миқдорда кўпикбетон таркибига қўшилиши билан  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  қўшимча миқдорда кальций гидросиликатларини ҳосил қилиш учун сарфланади, рентгенограммада энг юқори интенсивлик ( $30,40 \cdot 10^{-2}$  нм) 12% комплекс қўшимча қўшилган кўпикбетон намуналарига тўғри келади.

Рентгенограммада гидратланмаган  $\text{C}_2\text{S}$  (27.84, 27.40)  $10^{-2}$  нм мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Бундай чизикларнинг мавжудлиги кальций силикатларининг гидратацияси маҳсулотларини кристалланиш жараёнининг

тўлиқ тугалланмаганлигини ва 28 кунлик муддатда уларнинг шаклланишини кўрсатади.

Маълумки, кўпикбетоннинг ғовак структурасини тузилиши унинг хусусиятларига катта таъсир кўрсатади.

Кўпикбетоннинг ғовак структураси ўлчами 10x10x10см бўлган, қўшимчасиз ҳамда 8;10 ва 12% комплекс кимёвий КДж-3ЦМБ қўшимчали, 28 кун нормал шароитда қотган намуналарда ўрганилди.


Ғовак структураси параметрлари сифатида ГОСТ 12730.4-78 меъёрий ҳужжатда берилган умумий ғовакдорлик ( $P_{ум}$ ), очиқ ғовакдорлик ( $P_{оч}$ ), берк ғовакдорлик ( $P_б$ ), ғоваклар ўртача ўлчами кўрсаткичи ( $\lambda$ ) ва ғовакларни ўлчамлари бўйича бир хиллик кўрсаткичи ( $\alpha$ ) олинди.


Синов натижалари ва улар асосида қурилган графиклар 7–жадвал ва 9–расмда берилган.

7–жадвал

Кўпикбетон намуналарининг ғовак структураси параметрлари

Кўрсаткичлар	КДж-3ЦМБ қўшимча миқдори, %			
	0	8	10	12
$P_{ум}$	67,0	69,0	71,1	70,1
$P_{оч}$	31,1	24,0	20,1	20,2
$P_б$	35,9	45,	51,0	49,9
$\lambda$	1,7	1,5	1,3	1,4
$\alpha$	0,3	0,7	0,9	0,6





9-расм. Кўпикбетоннинг ғовак параметрларига КДж-3ЦМБ қўшимчасини таъсири.

Таъсвиланган эгри чизиқлар ва 7-жадвалда берилган маълумотлар кўпикбетоннинг ғовак структурасининг тузилиши мураккаб кимёвий қўшимчалар миқдorigа боғлиқлигидан далолат беради. КДж-3ЦМБ қўшимчаси кўпикбетоннинг умумий ғовакдорлигига деярли таъсир кўрсатмайди, лекин, очик ғоваклар ҳажмини оширган ҳолда берк ғоваклар улушини оширишга имкон яратади. Бетонда тартибсиз ғоваклар ёки очик капиллярлар ўрнига сферик шаклдаги бир хил тақсимланган майда ғоваклар туркуми вужудга келади, ғоваклараро деворлар қалинлашади.

